

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ЗАРАРЛИ  
ОРГАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ҮЙГУНЛАШГАН  
КУРАШ ТИЗИМИ**

**Құчқоров Астонакул Мусурмөнқұлович**

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти  
Агробиология факультети “Үсімликлар ҳимояси әрі қишлоқ хүжалик  
махсулотлари карантини” кафедрасы мудири, биология фанлари номзоди

E-mail: [auchqorov1962@mail.ru](mailto:auchqorov1962@mail.ru)

**Мирзоева Севара Искандар қызы**

3 курс талабаси

**АННОТАЦИЯ**

*Уибұ мақолада қишлоқ хүжалик әкінларининг зарарлы организмлары  
хақида мағлumatтар берилған бўлиб уларга қарши қўлланиладиган илмий  
асосланған үйгунлашган кураш тизими ёритилган.*

***Калит сўзлар:** қишлоқ хүжалик әкінлари, зарарлы организмлар,  
зараркунандалар, касалликлар, бегона ўтлар, үсімликларни ҳимоя қилиши,  
үйгунлашган кураш тизими ва ҳ.к.*

**HARMFUL ORGANISMS OF AGRICULTURAL CROPS  
AND A SYSTEM OF INTEGRATED CONTROL  
AGAINST THEM**

Head of the Department: **Kuchkorov Astonakul Musurmankulovich**

Student: **Mirzoeva Sevara Iskandar kizi**

## ABSTRACT

*This article provides information about harmful organisms of agricultural crops and highlights the science-based integrated control system used against them.*

**Key words:** *agricultural crops, harmful organisms, pests, diseases, weeds, plant protection, integrated management system, etc.*

**КИРИШ.** Маълумки, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ва етиширилган ҳосилни тўлиқ сақлаб қолишдаги асосий омиллардан бири бу зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ўз вақтида ҳимоя қилишдир.

Инсоният заарли организмлар таъсири туфайли хар йили 203,7 млн.тонна дон, 228,4 млн.тонна қанд лавлаги, 23,8 млн.тонна картошка, 23,4 млн.тонна сабзавот, 11,3 млн.тонна мева ҳосилини кам етиширади.

БМТнинг маълумотларига қараганда жаҳонда ҳар йили қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг 30 % дан ортиғи зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлар зараридан нобуд бўлади. Ривожланган давлатларда бундай нобудгарчиликлар 20-25% ни ташкил этса, кам ривожланган давлатларда 40, ҳатто 50 % гача етади.

Профессор Росснинг (2011) маълумотига кўра АҚШда ҳашоратларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ҳамда ўрмонларга етказган зарари ва бошқа зарарларни қўшиб хисоблаганда ҳар йили 25-30 миллиард долларни ташкил этади.

Мамлакатимизда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасини тизимли тартибга солиш ва уни замонавий асосда ташкиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 31 август куни “Қишлоқ


хўжалик ўсимликларини зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди[1]. Ушбу қонунга кўра Республикаизда қишлоқ хўжалиги экинларининг заарли организмларига қарши қурашда уйғунлашган кураш тизимини қўллаш асосида экологик хавфсиз биологик усулни истиқболли кураш усули сифатида кенгроқ жорий этиш режалаштирилган.

Хурматли Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини “2017-2021 йилларда янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ”нинг 3-нчи “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш” устувор йўналишининг 3.3.- “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш” бандида касаллик ва зааркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш масаласи кўзда тутилган эди [2].

## НАТИЖАЛАР.

Сурхондарё вилояти бўйича 2023 йилда жами қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган майдонлар 231428 гектарни ташкил этади, шундан пахта -72370 гектар, бошоқли дон экинлари -90800 гектар, шоли -2424 гектар, дуккакли дон экинлари -6131 гектар, мойли экинлар -1000 гектар, сабзавот экинлари -18075 гектар, полиз экинлари -3386 гектар, картошка -4128 гектар, озуқа (ем-хашак) экинлари -17502 гектар, банитет бали паст ерларда кўп йиллик дарахтзорлар-13162 гектар, узумзорлар (токзорлар) -1698 гектар ва тутзорлар -3236 гектардан иборат. Вилоят миқёсида юқорида кўрсатилган майдондаги қишлоқ хўжалик экинзорларида турли хил хавфли заарли организмлар тарқалиб кучли даражада зиён етказиши мумкин.

1-схема



Қишлоқ хўжалигида ўсимликларнинг заарли организмларига қарши курашни ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида эришилган сўнгти замонавий илм-фан ютуқлари асосида мувафақиятли ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги 1-инчи кластер усулидаги схемада ўсимликларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган асосий фанлар кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зиён етказадиган барча заарли организмлар қуидаги 3 та катта гурӯхга бўлинади:

1. Зааркунандалар
2. Касалликлар
3. Бегона ўтлар.

**I. Зааркунандалар** деганда қишлоқ хўжалик экинларига зарар берувчи фитофаг ҳашоратлар, ўсимлиkhўр каналар, сичқонсимон кемирувчи ҳайвонлар, фитонематодалар ва шиллиққуртлар тушунилади.

Масалан, Сурхондарё вилояти шароитида энг кўп тарқалган зааркунанда ҳашоратлардан олма меваҳўр қурти, оққанот, ширалар, илдиз қурти, кўсак қурти, чигирткалар, ёнғоқ меваҳўр қурти, анор меваҳўр қурти, қандалалар, триплар, тут парвонаси, ўсимлиkhўр каналардан ўргимчаккана, занг кана, олма канаси, сичқонсимон кемирувчи ҳайвонлардан дала сичқонлари, каламушлар,

юмронқозиқлар, фитонематодалардан бўртма нематодалари, шиллиққуртлардан эса дала шиллиққуртлари катта зарар етказади.

### **Зааркунандалар оғиз аппарати ва заарлаш хусусиятига кўра**

#### **2 та катта гурухга бўлинади:**

**1.Сўрувчи зааркунандалар** - бу зааркунандаларнинг оғиз аппарати ўсимликлардаги суюқликни сўриб озиқланишга мослашган бўлади. Буларга қандалалар, ширалар, оққанотлар, ўсимлиkhўр каналар, трипслар, саратонлар мисол бўлади.

**2.Кемирувчи зааркунандалар** - бу зааркунандаларнинг оғиз аппарати ўсимликларни кемириб заарлашга мослашган бўлади. Буларга чигирткалар, илдиз қурти, кўсак қурти, меваҳўр қуртлар, тут парвонаси ва сичқонсимон сут эмизувчи ҳайвонлар мисол бўлади [3].

## **II.Касалликлар**

Қишлоқ хўжалик экинларига келиб чиқиш сабабларига кўра 2 гурухдаги, яъни **1.Юқумли ва 2.Юқумсиз касалликлар зарар етказади**. Ўсимликларга зарар берувчи фитопатоген микроорганизмлар юқумли касалликларнинг қўзғатувчилари бўлиб хисобланади.

**1.Юқумли касалликлар** қўзғатувчиларининг турига қараб 3 га бўлинади: замбуруғли, бактерияли ва вирусли касалликларга ажратилади. Масалан, вилоятимизда ўсимликларнинг энг кўп учрайдиган замбуруғли касалликларига илдиз чириш, ун-шудринг, занг, парша, вертициллиёз ва фузариоз вилт, монилиоз, клястероспориоз, бактерияли касалликлардан-гоммоз, бактериоз, вирусли касалликлардан эса мозаика, стрик, столбур, сариқ, пакана бўйлилик ва бошқалар.

**2.Юқумсиз касалликлар** эса одатда ўсимликларга табиий мухитнинг нокулай омилларининг зарарли таъсири, нотўғри агротехника ўtkазилиши, озуқа этишмаслиги, ўз вақтида суформаслик, тупроқ шўрланиши, пестицидларни

ножұя қўллаш таъсиридан күйиш ва бошқа салбай оқибатлар натижасида келиб чиқади.

### **III. Бегона ўтлар**


Қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган майдонларда ўсувчи маданийлаштирилмаган ўсимликлар begona ўтлар хисобланади.

#### **Бегона ўтлар 2 га бўлинади:**

**1.Бир йиллик begona ўтлар** деганда бир йилнинг ўзида гуллаб мева берадиган begona ўтлар тушунилади. Буларга қўйтикан, шамак, шўра, оддий сули, бангидевона, итузум, жағ-жаг, семизўтлар киради.

**2.Кўп йиллик begona ўтлар** бир неча йиллар давомида ривожланадиган begona ўтлар бўлиб ажриқ, ғумай, қўйпечак, янтоқ, саломалайкум, қамиш мисол бўлади.

2-схема



## **2. ЗАРАРЛИ ОРГАНИЗМЛАРГА ҚАРШИ УЙҒУНЛАШГАН КУРАШ ТИЗИМИ**

Қишлоқ хўжалигида ўсимликларга жиддий иқтисодий зиён етказадиган зарарли организмларга қарши уйғунлашган қуаш тизими қўйидаги қарши қуаш усуллари (чора-тадбирлари) мажмуудан ташкил топган:

1. Ташкилий-хўжалик тадбирлари
2. Генетик ва селекцион-уругчилик тадбирлари
3. Агротехник тадбирлар

4. Физик ва механик-санитариявий тадбирлар
5. Ўсимликларнинг карантин тадбирлари
6. Биологик тадбирлар
7. Кимёвий тадбирлар

3-схема

### **Ўсимликларнинг заарли организмларига қарши уйғунлашган куаш тизими**

**(Кластер усули)**



**1. Ташкилий-хўжалик тадбирларига** заарли организмлар учун нокулай яшаш шароитини вужудга келтириш ва уларни экин майдонларига ўтишини камайтиришга қаратилган. Янги ерларни ўзлаштириш ва экинзорларни кенгайтириш, майдонларга экинларни жойлаштириш, заарли организмларга қарши куаш групкаларини ташкил этиш ва уларни асбоб-анжомлар билан таъминлаш, назоратчилар групхини ташкил этиш, заарли организмларнинг тарқалиш майдонлари хажмини ва уларга қарши ишлатиладиган воситаларни керакли микдорини аниqlаш, ишчи ва хизматчилар учун иш хаки фондини ажратиш каби чора-тадбирлар киради.

**2.Генетик ва селекцион-уругчилик тадбирлари** эса зааркунандалар ва касалликларга чидамли бўлган навларни яратиш ва экиш, навларнинг чидамлилигини ошириш, сақлашга эришиш, соғлом ўсимликлардан уруғликлар тайёрлашни йўлга қўйишни ўз ичига олади.

**3.Агротехник тадбирлар** экинларда хавф-хатар туғдирадиган миқдорда заарли организмларнинг пайдо бўлишини олдини олади. Агротехник тадбирларга зааркунандаларга чидамли бўлган навларни экиш, экинларни алмашлаб экиш, тупроққа ишлов бериш ва далаларни ўсимликларнинг қолдиқларидан тозалаш, экинларни ўз вақтида экиш ва қатор ораларига ишловлар бериш, ўз муддатида суғориш ва белгиланган миқдорда ўғитлаш каби тадбирлардан иборат.

#### **4. Физик ва механик-санитариявий тадбирлар**

Физик тадбирларга дон ва меваларни заарсизлантиришда паст даражали хароратда совутиш, уруғларни инфекциялардан заарсизлантиришда юқори даражали хароратда иситиш, ёруғлик тутқичларидан фойдаланиш, механик-санитариявий чораларга дараҳт таналарини пўстлоқлардан тозалаш, заарланган шохларни кесиш ва кўмиб йўқотиш, зааркундаларни йиғиб олиш учун эски қоп ёки латталардан дараҳт таналарига тутқич белбоғлар қўйиш, кемирувчи зааркундаларга қарши қопқонлар қўйиш, омборхоналарда сақланаётган маҳсулотларни қуритиш, ағдариш ва шамоллатиш қабилар киради.

## 5. Ўсимликларнинг карантин тадбирлари

Ўсимликлар карантини давлат миқёсидаги тадбирлар тизими бўлиб, Республикаизда учрамайдиган, лекин хорижий мамлакатлардан ўтиб қолиш эҳтимоли бўлган заарли организмларни ва Республикаиз ичидаги айрим географик худудларда тарқалганларини бошқа худудларга тарқалишини олдини олишга қаратилгандир. Республикаизда Бош давлат ўсимликлар карантини инспекцияси мавжуд бўлиб, унинг вилоят, туман хамда чегара постларида, бундан ташқари аэропорт ва темир йўл вокзалларида ходимлари фаолият юритадилар.

Хорижий мамлакатлардан кириб келаётган махсулотларни чегара постларида Давлат карантин инспекцияси томонидан текшириб ўтказилади. Ўсимликлар карантини тадбирлари 2 га бўлинади:

### **1) Ташиқи карантин тадбирлари**

Республикамизда учрамайдиган заарли организмларни чет мамлакатлардан келиб қолмаслигини олдини олишга мўлжалланган тадбирлардир.

### **2) Ички карантин тадбирлари**

Республикамиз ичидаги айрим географик худудларда тарқалган заарли организмларни бошқа худудларга тарқалишини олдини олишга қаратилган тадбирлар бўлиб ҳисобланади.

**6. Биологик тадбирлар** ўз мохиятига кўра ўсимликларни зааркунандалардан биологик усулда химоя қилиш, уларнинг касаллик сабабчилари бўлган антогонист микроорганизмларни қўллаб заарли турларини камайтиришга асосланган. Биологик кураш усулида турли организмлар - йиртқич ва паразитлар, энтомофаг ҳашоратлар, каналар, қушлар ва бошқалардан фойдаланилади.

Ҳашоратлар билан озиқланадиган табиий кушандалар энтомофаглар, каналар билан озиқланадиган табиий кушандалар эса акарифаглар деб аталади.

### **7. Кимёвий тадбирлар**

Ўсимликларни кимёвий усулда химоя қилиш заарли организмларни йўқотища кимёвий моддалар – пестицидлардан фойдаланишга асосланган.

Ўсимликларни заарли организмлардан химоя қилишда қўлланиладиган барча кимёвий моддалар пестицидлар деб аталади.

Пестицид сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «Pestis» - заарли, ифлослик ва «cido» - ўлдираман деган маъноларини англатади

**МУХОКАМА.** Бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинларининг заарли организмларига қарши ўсимликларни химоя қилишнинг илмий асосланган энг мукаммал тизими уйғунлашган химоя қилиш тизими бўлиб бунда асосан битта

кураш усули билан чекланиб қолмасдан барча кураш усулларидан ўз вақтида самарали фойдаланиш баробарида кураш чоралари бир-бирларини ўрнини муваффақиятли тўлдириб уйғунлаштириб бориши кўзда тутилади. Ўсимликларни заарли организмлардан уйғунлашган (интеграллашган) ҳимоя қилиш лотинча “*integrare*” сўзидан олинган бўлиб “тикламоқ”, “тўлдирмоқ”, “уйғунлашмоқ” деган маъноларни англатади. Бу ерда табиий мухитда турлараро мувозанатни тиклаш устувор масала бўлиб ҳисобланади. Алохида бир агробиоценозда тур ичида ва турлараро, яъни фитофаглар ва энтомофаглар ўртасидаги муносабатларни бошқаришга йўналтирилган тадбирлар тизимига уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими деб аталади.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.** Мухтасар қилиб айтганда юқорида баён этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалик экинларини заарли организмлардан ҳимоя қилишда барча кураш усулларини илмий асосланган ҳолда омилкорлик билан ўз вақтида қўллаш юқори самара беради, замонавий босқичда эса уйғунлашган кураш тизими жуда қулай бўлиб бунда асосан биологик усул энг истиқболли бўлиб ҳисобланади ва ўз навбатида экология - атроф-мухит, инсонлар, иссиққонли ҳайвонлар ҳамда фойдали энтомофауна учун хавфсиз бўлиб агробиоценозларда биологик мувозанатни сақлаш, далаларда биофонни бойитиш ва экинлардан юқори сифатли мўл экологик тоза маҳсулотлар етиштиришни кафолатлайди. Бу эса ҳозирги давр талаби бўйича ташқи ва ички бозор истеъмолчилари учун озиқ-овқат хавфизлигини тўла-тўқис таъминлаш имкониятини яратади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 31 август куни қабул қилинган “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зааркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни.-Тошкент.-“Ўзбекистон”. - 2000 йил 31 август.

2. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ.-Тошкент. - “Адолат”. -2017 йил 07 февраль.
3. Қўчқоров А. ва бошқалар. Тут парвонасига қарши кураш бўйича тавсиялар. -Тошкент. –“Агросаноат ахбороти” ҲЖ босмахонаси. -1998. -18 бет.

### ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

1. [www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).
2. [www.toucansolutions.com/pat/insects.html](http://www.toucansolutions.com/pat/insects.html).
3. [www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html](http://www.fi.edu/tfi/hotlists/insects.html)